

Қиёмат куни уч тоифага Аллоҳ гапирмайди | Сийрат дарслари (368-дарс)



00:00 / 28 февраль 247

863. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уч тоифага Аллоҳ Қиёмат куни гапирмайди, назар солмайди ва покламайди, уларга аламли азоб бўлади: очиқ жойда олдидаги ортиқча сувни йўқсил йўлчига бермаган одамга; асрдан кейин аслида шундай бўлмаса ҳам бир кишини ишонтириб, «мен буни мана шунчага олганман» деб (ёлғон) қасам ичган ва унга молини ўтказган одамга; бир имомга дунё учун байъат қилиб, агар у бир нарса берса, унга вафо қилиб, бермаса, вафо қилмаган одамга», дедилар».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда бундай келган: **«Савдо молига бундан кўра кўпроқ нарх берилди, дея ёлғондан қасам ичган одам; бир кишининг мол-мулкидан ўзлаштириб олиш учун асрдан кейин ёлғон қасам ичган одам; ортиқча сувини бермаган одам. Аллоҳ Қиёмат куни: «Худди сен ўзинг қилмаган нарсанинг ортиқчасини бермаганинг каби бугун сендан фазлимни ман қиламан», дейди».**

Бухорий ривоят қилган.

864. Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уч тоифага Аллоҳ Қиёмат куни гапирмайди, назар солмайди ва покламайди».** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни уч марта қироат қилдилар. Шунда Абу Зарр: «Ноумид бўлишибди, ютқазибди. Улар кимлар, эй Аллоҳнинг Расули», деди. **«Иштонини судраб юрувчи, миннатчи ва савдо молини ёлғон қасам билан ўтказувчи»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

865. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Қиёмат куни уч тоифага Аллоҳ гапирмайди, уларни покламайди ва уларга назар ҳам солмайди, уларга аламли азоб бўлади: зинокор чол, каззоб бошлиқ ва мутакаббир камбағал».**

Бухорий ривоят қилган.

Бошқа ривоятда: **«Тўрт тоифани Аллоҳ азза ва жалла ёмон кўради: серқасам савдогар, кибрли камбағал, зинокор чол ва жабрчи имом»**, дейилган.

Насоий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

866. Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким менга икки оёғи орасидаги нарсанинг ва икки жағи орасидаги нарсанинг кафолатини берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

(Яъни, фаржи ва тилини асраса. – Тарж.)

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.